# Qishloq hayoti

2010 йил — Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 26-MART, JUMA, 36 (7653) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




...Олма, ўрик, шафтоли каби мевали дарахт кўчатлари қатори қрим, элдар қарағайлари, япон софораси ва каштан кўчатларига ҳам талаб кўпайди. Бу кишиларимизнинг табиатни асраш, теварак-атрофни гўзаллаштиришга бўлган орзу-ҳавас, иштиёқлари натижасидир...

2



Баҳорнинг бир куни йилни боқади, дейди доно халқимиз. Пахтачиликда масъулиятли мавсумни кўнгилдагидек, яъни барча агротехник тадбирлар комплексини пишиқ-пухта, сифатли бажарган ҳолда ўтказиш кўзланган ҳосилга мустаҳкам тамал тоши қўйиш имконини беради.

3




Камолиддин Ғопиров болаларга дарс бериш баробарида кимё-биология йўналишида Андижон давлат университетининг профессори, кимё фанлари доктори И.Асқаров ҳамда доцент Н.Тўхтабоев билан ҳаммуаллифликда 22 та дарслик, илмий-услубий рисолалар ёзди ва чоп эттирди.

4

саҳифаларда

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИЛДАМ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

**Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ҳамда шу соҳада қўлланиладиган янги технологияларнинг "World Food Uzbekistan — 2010" ўнинчи ва "AgroWorld Uzbekistan — 2010" бешинчи халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари давом этмоқда.**

**Ушбу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси, "Ўзвиносаноат-холдинг" холдинг компанияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "ITE Uzbekistan" ва "I.T.E. Exhibitions & Confrerences Ltd" халқаро кўргазма компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилди.**




## Халқаро кўргазма

Анъанага айланган ушбу кўргазмалар соҳанинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, жаҳон миқёсида давом этаётган иқтисодий инқироз, кейинги йилларда дунёнинг кўпгина давлатларида озиқ-овқат маҳсулотларига эҳтиёж ортиб бораётган шароитда мамлакатимизда бу борада мустаҳкам пойдевор қўйилган. Бугун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланган фермерлар олдидаги долзарб вазифалардан бири — қишлоққа саноатни олиб кириш, қайта ишлашни йўлга қўйиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир. Бунинг учун янги, ихчам, замонавий технологиялар зарур. Мазкур кўргазмалар ана шундай жараёнга кўмаклашувчи вазифасини ўтаётир.

Дунёнинг 27 давлатидан 100 дан ортиқ компания ва фирмалар иштирок этаётган кўргазмаларнинг икки кунлик иш фаолияти ниҳоятда самарали бўлди. Тадбирнинг иккинчи куни "Фермерлар куни" деб номланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган тадбиркорлар, фермерлар жаҳоннинг нуфузли компаниялари иш фаолияти, маҳсулотлари билан танишиш, тажриба алмашиш ҳамда уларни танлаш, сотиб олиш имкониятига эга бўлишди.

— Компаниямизнинг 25 та заводи бор, — дейди "John Deere" халқаро компанияси вакили Сардор Содиқов. — 5 от кучидан 500 от кучигача қувватга эга бўлган техникалар ишлаб чиқарамиз. Мазкур кўргазмада техникаларимизга қизиқиш катта бўляпти. Жумладан, "John Deere" пахта териш машинаси фермерларнинг эътиборини тортяпти. Техника харид қилган мижозларимизга бир йўла сервис хизматини ҳам кўрсатамиз.

Кўргазмада қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлари учун замонавий технологиялар, техникалар, ускуналар намойиш этилмоқда. Жумладан, паррандачилик, ўсимликлар ҳимояси, мева-сабзавотни қайта ишлаш, қадоқлаш технологиялари, иссиқхона хўжаликлари учун зарур жиҳозлар иштирокчиларнинг қизиқишига сабаб бўлаётир. Харидлар, ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги келишувлар, алмашилаётган тажрибалар кўргазманинг самарали ўтаётганидан дарақдир.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

## ФАРМОНИ

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 65 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА НОГИРОНЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ҳамда фидойилигига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб:**

**1.** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги" юбилей медали билан мукофотлансин.

**2.** Мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган шахсларга 200000 (икки юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

**3.** "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги" юбилей медали ва пул мукофотини топшириш маросимини Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари маҳаллий мудофаа ишлари бўлинмаларининг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг вакиллари иштирокида тантанали равишда ўтказсин.

**4.** Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда юбилей медалларини топшириш ва пул мукофотларини тўлаш тартибини белгиласин, юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномаларини белгиланган тартибда тайёрлашни таъминласин.

**6.** Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2010 йил 24 март*

Юртимизда Наврўз шукуҳи

## Санъаткорлар файз бахш этди

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ маркази Гулистон шаҳридаги истироҳат боғида ҳам Наврўз тантаналари катта шодиёналар билан ўтказилди.**

Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулла Шомаърупов, хушовоз хонанда Рустам Ғоипов, хонанда Алишер Файз, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг ғолиблари Шаҳноза Отабоева, Умида Ҳамидова иштирок этиб, улар ижро этган дилрабо қўшиқлар Наврўз шодиёналарига ўзгача файз, шукуҳ бахш этди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## Қўшёғочда кўпкари-улоқ баҳслари

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ Қўшработ туманининг Қўшёғоч қишлоғи қир-адирлари бағрида ташкил этилган Наврўз тантаналари барча-барчага қувонч бахш этди.**



Вилоят миқёсида кўпкари-улоқ мусобақасининг айнан шу туманда ташкил этилиши, шу куни ҳатто қўшни Жиззах, Навоий вилоятларидан ҳам чавандозлар ташриф буюришиб, мусобақаларда иштирок этишгани от спорти ишқибозларига бир олам қувонч бахш этди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Пойтахтимизда Миср маданияти кунлари бошланди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Миср Араб Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамда Миср маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.**

## МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**Миллий санъат марказида бўлиб ўтган тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар, мисрлик санъат намояндалари иштирок этди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Б.Аҳмедов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар сингари маданият жабҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йилнинг апрель ойида Мисрга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги поғонага олиб чиқди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон билан Миср ўртасида маданият ва санъат, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Маданият ва санъат жамоаларининг ўзаро гастроллари ташкил қилинмоқда, мисрлик санъаткорлар "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

— Халқларимиз ўртасидаги илмий-маърифий алоқалар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади, — деди Миср маданият маркази директори Аҳмад Ражаб Ризқ. — Ўзбекистон заминида етишиб чиққан буюк алломаларнинг кашфиётлари, бой илмий мероси эҳромлар юртида ҳам маълум ва машҳурдир. Мамлакатингиз мустақилликка эришгач, бошқа йўналишлар қатори маданият соҳаси ҳам изчил ривожланди. Маданий жабҳанинг жадал юксалишига, айниқса, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси катта ҳисса қўшаётир. Миср маданияти кунлари мамлакатларимиз ўртасидаги ривожланиб бораётган алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

29 мартга қадар давом этадиган Миср маданияти кунлари ранг-баранг ва қизиқарли тадбирларга бой. Тадбир давомида пойтахтимиздаги кўргазма заллари, маърифат масканлари, олий таълим муассасалари ва истироҳат боғларида мисрлик ижодкорларнинг рассомлик, хаттотлик кўргазмалари, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, анжуманлар, кўрик-танловлар бўлиб ўтади.

Маданият кунларининг очилишида Мисрнинг "Нил" фольклор ансамбли ҳамда Ўзбекистон санъат усталарининг концерти бўлиб ўтди. Икки халқнинг мумтоз наволари, замонавий мусиқа ва рақслари тадбир қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида "Миср — асрлар оша" кўргазмаси бўлиб ўтди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

Қорақалпоғистон Республикаси

## Кун тартибида картошкачилик

**Нукус тумани "Дарсан" муқобил машина-трактор парки ҳудудидаги "Собир" фермер хўжалигида картошка экиш ва унинг агротехникасига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ҳокимлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг мутахассислари, фермерлар иштирок этди. Олимлар, соҳа мутахассислари йиғилганларга картошка экиш ва унинг агротехникаси бўйича қимматли маслаҳатларини бердилар.**



— Жами 38 фермер хўжалигида 400 гектар майдонга картошка экиш режалаштирилган, — дейди "Дарсан" муқобил машина-трактор парки бошлиғи Азиз Алламуродов. — Асосан Голландиядан келтирилган "Санта", "Марфона", "Романо" навларини, шунингдек, маҳаллий навларни экамиз. Картошка экиладиган майдонлар, техникалар туман ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг ёрдами билан тайёр қилиб қўйилди. Эртапишар картошка экиш ишлари фермер хўжаликларида ҳам қизғин давом этмоқда.

— Ушбу семинар фермерларимиз учун ҳар томонлама фойдали бўлди, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Мақсет Қурбонов. — Чунки, жорий йилда картошка экадиган барча фермерларимиз семинарда тегишли маслаҳатлар олди. Туман бўйича эртапишар картошка экиш ишларини 15 апрелгача якунлашни режалаштирганмиз.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Раиси М.Ерниёзов иштирок этди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## Куннинг муҳим воқеалари

- Наврўз шодиёналари давом этаётган айни кунларда Фарғона вилоятида Асака шаҳридаги "GM Uzbekistan" заводига бутловчи қисмлар етказиб берадиган уч корхона фойдаланишга топширилди.
- **Самарқанд вилояти Жомбой туманида "Жомбой жавоҳири" қўшма корхонаси ишга туширилди.**
- Термиз шаҳрида Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий-тадқиқот маркази, Германия техник ҳамкорлик жамияти ва Сурхондарё вилояти балиқчилик хўжаликлари уюшмаси томонидан "Балиқчилик фермер хўжаликлари учун бизнес режалаштириш" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- Гулистон шаҳрида она ва бола скрининг маркази иш бошлади.
- Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Бешкўтон қишлоғи ёшлари учун Наврўз қўшалоқ байрамга айланди. Қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг замонавий қиёфа касб этган 56-умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди.


Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибидаги ҳамда шу йўналишдаги вазирлик ва идоралар —*

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази**

Qishloq HAYOTI
2010 йил 26 март

Тошкент Вилояти

# СУҒУРТА — ФАОЛИЯТ БАРДАВОМЛИГИ КАФОЛАТИ

**Мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш жараёнида тегишли бозор инфратузилмасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда суғурта тузилмаси хизматини такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда суғурта — ишончли мададкорга айланиб бораётир. Мамлакат суғурта бозоридаги етакчи компаниялардан бири — "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Тошкент вилояти дирекцияси фаолиятини таҳлил этадиган бўлсак бунинг исботини кўришимиз мумкин. "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Тошкент вилояти дирекцияси жамоаси ҳамкорликни кенгайтирмоқда, мижозларга муҳим паллада кўмакдош бўлаётир.**

Нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ ҳудудларида ҳам аҳоли ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларга турли суғурта хизматлари кўрсатиб келаётган компания томонидан суғуртанинг замонавий, истеъмолчилар талабларига мос янги турларини татбиқ этишга катта эътибор қаратилиши натижасида ҳозирги кунда мижозлар сафи кенгайиб бормоқда.

— Дирекциямизда 15 та туман бўлимлари, 4 та суғурта агентликлари шўъба корхоналари қаторида, вилоятнинг энг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолини суғуртавий ҳимоялаш даражасини ошириш мақсадида 53 та агентлик шохобчалари фаолият кўрсатиб келяпти, — дейди "Ўзагросуғурта" ДАСК Тошкент вилояти дирекцияси директори Олимжон Файзиев. — Олдимизга қўйган вазифаларни изчил амалга ошириш натижасида ўтган йилда 366 640 та суғурта шартномалари тузилиб, мижозларга 3149,4 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Шунингдек, 801,7 миллион сўмлик суғурта товонлари тўланди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарига 499,5 миллион сўм, аҳолига 264,2 миллион сўм ва бошқа ташкилотларга 38 миллион сўмлик зарарлар қоплаб берилди.

Ўтган йили об-ҳавонинг бироз ноқулай келиши деҳқонларга қийинчиликлар туғдирди. Чигит униб чиқиши кечикди, қайта экилган уруғ ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлди. Хўш, бундай шароитда деҳқон қандай йўл тутади? Бу ўринда суғурта хизмати фермернинг ишончли кўмакдошига айланди. Хусусан, Бекобод туманидаги "Муҳаммад деҳқон", "Тошматов Сувонқул", Бўка туманидаги "Темир Кўчқор", Ўрта Чирчиқ туманидаги "Султон С" фермер хўжаликлари ана шундай мададдан баҳраманд бўлишди. Бўка туманидаги "М. Зафар" ва "Нурбол" фермер хўжаликларида чигитни қайта экишга тўғри келди. Айни шу жараёнда суғурта компанияси билан тузилган шартнома асқотди. Унинг молиявий мадади билан ишлар маромига тушди, ҳосилдорлик кўзланганидай бўлди.

Компания суғурта бозорида кўрсатаётган ўз хизматлари сифатини ва кўламини янада ошириш мақсадида доимий изланишда.

— Мамлакатимизда суғурта соҳасида амалга оширилаётган чуқур ислоҳотларнинг яққол намунаси бўлмиш "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши фаолиятимизнинг янада ривожланишида сезиларли ижобий таъсир кўрсатмоқда, — дейди суҳбатдошимиз О.Файзиев. — Мазкур қонун кучга киргач, компания томонидан махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Вилоятимизнинг барча ҳудудларида суғурта шартномалари тузиш шохобчалари ишга тушди. Суғурта агентлари фаолият бошлади. Бу жараёнда, айниқса, кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш учун махсус семинарлар ташкил этилди. Маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармалари, транспорт компаниялари вакиллари иштирокида қонун ва унинг ижроси борасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йил натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, бу борадаги ишлар кўлами катталигини кўришимиз мумкин. Яъни, ўтган йилда мазкур суғурта тури билан шуғулланувчи 9 та компаниянинг Тошкент вилояти филиалларида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича 3 миллиард сўмлик суғурта хизматлари кўрсатилган. Унинг қарийб 50 фоиздан зиёди "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Тошкент вилояти дирекцияси улушига тўғри келади. Яъни, вилоятдаги 66161 та транспорт воситалари эгаларига суғурта хизматлари кўрсатилди. Турли ҳодисалар оқибатида кўрилган зарарларни қоплаш учун 182 та ҳолат бўйича 227,4 миллион сўмлик суғурта товонлари тўлаб берилди. 2009 йил 16 апрелда Ўзбекистон Республикаси "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши суғурта бозорининг янада ривожланиши, иқтисодиётнинг барқарорлашувига хизмат қилаётир. Қонун ижросини таъминлаш мақсадида мазкур суғурта тури бўйича дирекция ўз хизматларини таклиф этиб, 201 та юридик ташкилот билан суғурта шартномалари тузди, 26,3 миллион сўмлик суғурта хизматлари кўрсатди.

Дирекция жамоаси суғурта бозорини янада ривожлантириш, мижозларининг ишончини мустаҳкамлаш йўлида доимий изланишда бўлар экан, истиқболдаги бир қанча режаларини белгилаб олган. Мақсад, ҳар бир мижозга индивидуал ёндашган ҳолда кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини янада ошириш чораларини кўриш, бўлинмалар моддий-техник базасини янгилаш ва ривожлантириш, суғурта агентлари сонини ошириш, агентлик шохобчалари тармоғини кенгайтириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш ва суғуртавий ҳимоя даражасини юксалтириш, тизимда тезкор бошқарувни жорий этиш каби вазифаларни уддаланган ҳолда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга камарбаста бўлиш, шунинг баробарида аҳоли фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдир.

**Раимкул СУЯРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Бозор иқтисодиёти шароитида қонун устуворлиги таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли ҳуқуқий билимини юксалтириш, ўз навбатида, шартномаларни мукаммал, ҳар томонлама пухта ва тўғри тузишга имкон яратади.**

# ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИ

## унинг ижросини таъминлашга аввало мансабдор шахс жавобгардир

Республикамиз Президентининг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги 1998 йил 4 мартдаги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши бу борада муҳим аҳамиятга эгадир. Кўзланган асосий мақсад — шартнома маданиятини юқори даражага кўтаришдан иборат.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари билан тузилган шартномаларнинг тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш вазифаси юклатилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан ўтган йил давомида хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик шартномаларини тузиш ва ижросини таъминлашда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда шартнома интизомини мустаҳкамлаш борасида бир қатор назорат тадбирлари амалга оширилди.

Жорий йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун бошоқли дон харид қилиш бўйича 3168 та, пахта хомашёси харид қилиш бўйича 2591 та, пилла хомашёси етиштириш бўйича 3633 та ва 22437 та бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар тузилишида тарафларга зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.

2009 йил давомида 112 та муассаса ва ташкилотлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида шартномавий муносабатлар ўрганиб чиқилди.

Шартномаларнинг тузилиши бўйича 1193 та ва уларнинг бажарилиши бўйича 1594 та қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан 134 та тақдимнома, 15 та ёзма кўрсатма ва 1101 та огоҳномалар киритилди.

Кўрилган таъсир чораларига асосан 143 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 19 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаганлиги ҳолатлари бўйича 2009 йил давомида судларга жами 4 миллиард сўмлик 1767 та даъво ариза киритилди. Судлар томонидан 1698 та даъво аризалари қаноатлантирилди.

Жумладан, Чуст туманидаги 51 та фермер хўжалиги манфаатлари юзасидан "Чуст пахта тозалаш" акциядорлик жамиятига нисбатан етказиб берилган пахта хомашёси учун шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган 174,8 миллион сўм маблағни ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Ушбу даъво аризалари хўжалик судида кўриб чиқилиб, фермер хўжаликлари фойдасига 129,3 миллион сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди. Масалан, "Бахтиёр Ихтиёр Шаҳноза" фермер хўжалигига 2,1 миллион сўм, "Ёқубжон Муроджон Эргашев" фермер хўжалигига 2,6 миллион сўм, "Эргаш ота Ортиқов" фермер хўжалигига 4,5 миллион сўм ва "Келажак" фермер хўжалигига 3,2 миллион сўм ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарорлари чиқарилди. Бу қарорларнинг ижроси ҳам таъминланди.

Адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га Поп туманидаги "Саддам" фермер хўжалиги бошлиғи Б.Талаповнинг "Эҳтиётқисмсервис-МТП" МЧЖ томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмай, қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб берилмаётганлиги ҳақида қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ҳақиқатан, "Эҳтиётқисмсервис-МТП" МЧЖ билан "Саддам" фермер хўжалиги ўртасида "ТТЗ-80/10" русумли трактор ва 1 дона тиркама (прицеп) етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган. Мазкур шартномага асосан фермер хўжалиги 33,4 миллион сўм пул маблағни жамият ҳисоб рақамига ўтказган бўлишига қарамай тиркама (прицеп) ўз вақтида етказиб берилмай, шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилмаган.

"Эҳтиётқисмсервис-МТП" МЧЖга шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажариш юзасидан тақдимнома киритилди. Тақдимнома ижроси таъминланиб, фермер хўжалигига тиркама (прицеп) берилган.

Адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва мазкур қарор билан тасдиқланган Низом талабларини ижро этилиши ўрганилганда, туманлар қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан қарор талаблари етарли даражада бажарилмаётганлиги аниқланди.

Масалан, Низомнинг 82-бандида тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 кунидан кечиктирмай, ҳар ойда хўжаликлар жойлашган манзилдаги тегишли туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларига шартномаларни бажарилишининг бориши тўғрисида маълумот тақдим қилиши белгиланган бўлса-да, бўлимлар томонидан ушбу маълумотлар тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотларидан талаб қилиб олинмаган. Шунингдек, бўлимлар томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларнинг манфаатлари юзасидан судларга умуман даъво аризалари киритилмаган.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик бўйича вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига тақдимномалар киритилди ҳамда таҳлилларда аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Келгусида бошқарма томонидан хўжалик юритувчи субъектларда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш бўйича янада самарали ишлар олиб борилиши бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

**Анвар ТУРСУНОВ,**
**Наманган вилояти адлия бошқармаси шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи.**

**Германия пойтахтида баҳор байрами — Наврўзга бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Тадбир Берлиндаги Лихтенберг маданият уюшмаси томонидан мамлакатимизнинг ГФРдаги дипломатия ваколатхонаси кўмагида ташкил этилди.**

# Берлинда Наврўз шодиёналари

Тантанали маросимни Лихтенберг маданият уюшмаси директори А.Клугель очиб, кечада ўзбек халқининг севимли Наврўз байрами воситасида Ўзбекистоннинг бой ва қадимий маданияти билан танишиш имконияти юзага келганини қайд этди. У мамлакатларимиз ўртасида нафақат сиёсий ва иқтисодий соҳаларда, балки маданият йўналишида ҳам икки томонлама алоқалар ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Кеча меҳмонларига мамлакатимиз тараққиётининг муҳим асосларидан бири саналган кўп асрлар давомида яратилган бебаҳо маданий мероснинг тикланиши ва уни авайлаб асрашга бўлган эътибор ҳақида батафсил маълумот берилди.

Байрам кечаси доирасида Дилмурод Исмоилов, Абдураҳмон Холтожиев, Ҳожиакбар Раҳматов, Фарҳод Қодиров каби ўзбек санъати усталари ҳамда миллий рақсимизнинг истеъдодли ижрочиси Умида Холмонова иштирокидаги мусиқий маданий дастур, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Бадиий жамоалар бирлашмаси ҳузуридаги "Сайқал" гуруҳи чиқишлари ўзбек санъатининг мухлислари бўлган немис миллати вакилларини ўзига ром этди.

— Ушбу тадбирда иштирок этганимиздан жуда хурсандмиз, — дейди А.Клугель. — Бугун биз Наврўз байрами — Шарқнинг бебаҳо мероси билан танишдик, шу билан бирга, ўзбек халқининг бетакрор маданияти, куй-қўшиқлари ва ноёб пазандалик санъатидан баҳраманд бўлдик.

— Ўйлайманки, бугунги байрам барчага бирдек маъқул бўлди, — дейди маросимда қатнашган Томас Хенкел. — Тантаналарда ким иштирок этган бўлса, уларнинг барчаси бу ерда намойиш этилган маданий дастурга мафтун бўлди. Мумтоз мусиқа, миллий рақс ва қўшиқлар бизда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Кеча иштирокчилари эътиборига Наврўз байрами ҳақидаги маълумотлар ҳамда Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига бағишланган ахборотлар ҳам тақдим этилди.

**"Жаҳон" АА**

Жиззах Вилояти

# ФОРИШНИНГ ЯШИЛ БОЙЛИГИ



**Кўклам келиб, борлиқ аллақачон яшил либосга ва гулларга бурканганига қарамай тоғли Фориш туманида, айниқса, ўрмон хўжалиги ҳудудларида дов-дарахтлар энди куртак чиқармоқда. Ўрмончиларнинг ташвишлари ҳар қачонгидан ортган. Ахир, ўн минг гектарлаб ўрмонзорларни муҳофаза қилиш, қуриган шохшаббалардан яна бир карра тозалаб чиқиш, туман аҳолиси, ташкилот, корхона ва идоралар жамоаларига дарахт кўчатлари етказиб беришдек вазифа бор улар зиммасида.**

Дарвоқе, шу кунларда туман марказидан тортиб қишлоқ ва овулларгача — ҳамма жойда кўчат ўтқазиш, ободонлаштириш ишлари авжида. Хиёбонлар, кўча бўйлари, корхона ва ташкилотлар ҳудудлари, қўйинг-ки, ҳатто қир-адирлар, далаю сайхонликларга ҳам кўплаб тут, ўрик, олма, беҳи сингари мевали, арча, қайин, қарағай, каштан, япон софораси, дуб каби манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиляпти. Нурота тизма тоғи даралари жойлашган Илончи, Эски Фориш, Осмонсой, Деристон ва бошқа қишлоқлар аҳолиси тоғ ёнбағирларида мўъжаз мевали боғлар, дўланазорлар барпо этишга киришдилар.

— Фориш узуми ва майизларининг таърифи қадимдан узоқларга кетган, — дейди "Маҳалла" жамғармаси туман бўлими раиси Шавкат Эшонқулов. — Соҳибкорларнинг бугунги авлоди ҳам ўша машҳурликни давом эттиришга ҳаракат қилмоқда. Тажрибали боғбонлар узум навларини янада яхшилаш, камайиб бораётганларини кўпайтириш борасида яхши ишлар қилишяпти. Тоғликларимиз бу йилдан бошлаб дўланазор ва пистазорларни кенгайтиришга жиддий киришдилар. Демак, туманимизнинг узум, майиз, дўлана ва писталари яқин йилларда янада кўпаяди.

— Кеча ва бугуннинг ўзида қишлоқларга 10 минг тупдан зиёд кўчат жўнатдик, — дейди бош ўрмончи Ҳасан Норбеков. — Сўнгги йилларда икки гектардан зиёд кўчатзор барпо этиб, ҳар йили 20-30 минг туп кўчат тайёрлаяпмиз. Олма, ўрик, шафтоли каби мевали дарахт кўчатлари қатори қрим, элдар қарағайлари, япон софораси ва каштан кўчатларига ҳам талаб кўпайди. Бу кишиларимизнинг табиатни асраш, теварак-атрофни гўзаллаштиришга бўлган орзу-ҳавас, иштиёқлари натижасидир, — дейди у.

Маълум бўлишича, Фориш давлат ўрмон хўжалиги жамоаси ўз тасарруфидаги мавжуд 36 минг гектар ўрмонзорларни кўз қорачиғидай асраш, уларни кенгайтириш билан бирга туман аҳолисига ҳар хил кўчатлар етказиб бериб, ўзини ўзи моддий таъминлашнинг ҳам ҳадисини олишган. Бундан ўрмончилар ҳам, туман аҳолиси ҳам мамнун.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

# Янги ҳовлилар муборак, галатутликлар!

**Пастдарғом туманининг маркази ҳисобланмиш Жума шаҳри яқинидаги Сарибон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ғалатут қишлоғи аҳолиси Наврўз айёмини ўзгача қувонч билан кутиб олишмоқда.**

Негаки, туманда Президентимизнинг "Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича "Самарта" қурилиш фирмасининг қўли гул қурувчилари томонидан ҳар бирининг қиймати 57 миллион сўмлик, 6 сотихли, 4-5 хонали, табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси ва бошқа қулайликлари мавжуд бўлган 20 нафар хонадонга мўлжалланган, банк кредити асосида уй-жойлар қурилиши ниҳоясига етказилди.

Айни пайтда, туманнинг Дилишқибола қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ҳам худди ана шундай 56 хонадонга мўлжалланган икки қаватли коттежлар барпо этилмоқда.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

# СОЛИҚДАГИ ИМТИЁЗ ТАДБИРКОРГА ҚЎШИМЧА ИМКОН

## СОЛИҚ ЮКИ ЕНГИЛЛАШГАНИ ТУФАЙЛИ УШБУ ЙИЛДА ВИЛОЯТ БЎЙИЧА 8,4 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ КОРХОНАЛАР ИХТИЁРИДА ҚОЛАДИ

● Қарор ва ижро

**Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори солиқ тармоқларини мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларига мутаносиб тарзда янада такомиллаштиришга қаратилган. Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси юридик шахслар тўловларининг бюджетга туширилишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Эркин СОАТОВ билан қилинган суҳбат ана шу ҳақда.**

**— Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида солиқ юкини камайтириш ва шу йўл билан хўжалик юритувчи субъектларда қоладиган маблағларни ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, янги техника, технологияларни кенг жорий этиш ҳамда улар самарадорлигини ошириш, аҳолининг реал даромадлари кўпайишига, харид имкониятларини ўстиришига эришиш бош мақсад қилиб қўйилган.**

— Мазкур қарор билан хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида 2010 йилда фойда солиғининг базавий ставкаси амалдаги 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилди. Агар вилоятимиз мисолида олиб қарайдиган бўлсак, бу қарор ижроси орқали корхоналар ихтиёрида 8,4 миллиард сўм атрофида маблағ қолади. Демакки, иқтисод қилиб қолинган маблағ ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва уни технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза этиш борасида янги имкониятлар туғилади.

Шу билан бирга, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган фойдасидан қонунчилик асосида ҳомийлик ва хайрия ёрдами сифатида йўналтириладиган маблағларнинг солиққа тортиладиган фойдадан чегириладиган энг кўп миқдори бир фоиздан икки фоизгача оширилди. Шунингдек, аҳоли даромадларига солиқ юкини камайтириш ва уларнинг харид қобилиятини ошириш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси 12 фоиздан 11 фоизга пасайтирилди.

**— Қарорда бир қатор имтиёзлар ҳам кўзда тутилган, шундайми?**

— Ҳа, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги базавий ставкаси 8 фоиздан 7 фоиз миқдорида белгиланди. Бунинг натижасида вилоятдаги микрофирма ва кичик корхоналарнинг солиқ юки камайиб, улар ихтиёрида жорий йилда 2 млрд. сўм атрофида маблағ қолдирилиши кутилмоқда. Бунда уларнинг имконияти янада ривожланади, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини оширишда бир қадар ютуқларга эришилиши турган гап.

Ресурс солиқлари бўйича қарорда кўзда тутилган қўшимча чоралар ҳам тармоқ тараққиётига хизмат қилиш билан бирга, аҳолини ҳар томонлама тежамкор бўлишга, ортиқча сарф-харажатларни камайтириш орқали кўпроқ манфаат кўришга ундайди. Масалан, ресурс солиқлари бўйича ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 1,15 мартага индексацияланди. Натижада 2010 йил бюджетига тушумлар салмоғида ресурс солиқлари улушининг ўсиши таъминланади.

**— Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорликни янада кенгайтириш, иқтисодиёт тараққиётига уларнинг таъсирини кучайтириш муҳим масала. Қарорда улардан олинадиган солиқлардаги янгиликлар нималардан иборат?**

— 2009 йилда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқлар ставкаси ўртача 1,3 мартагача пасайтирилган эди. Бу йил ҳам улар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларини унификациялаш ва оптималлаштириш давом эттирилиб, ставкалар яна пасайтирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан бюджет ташкилотлари учун давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилиш бўйича имтиёз муддати 2015 йил 1 январга қадар узайтирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 12 июндаги 250-сонли қарори билан берилган Олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлашдан тушган маблағлари мақсадли фойдаланилган тақдирда, солиқлардан ва пенсия, йўл ҳамда мактаб таълими жамғармалари ажратмаларидан озод этиш бўйича берилган имтиёз муддати ҳам 2015 йил 1 январга қадар узайтирилди.

Юқорида номлари тилга олинган ва мазкур қарорга мувофиқ амалда қўллаб келинган солиқ имтиёзлари муддатининг узайтирилиши ҳам шу соҳалар тараққиётида ижобий натижаларга эришишни таъминлаш ва рағбатлантиришни назарда тутади.

Ҳар бир қарор шу соҳа ходимлари ва умуман, жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этилгандагина ўз самарасини беради. Мазкур қарор моҳиятини вилоятдаги барча солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларга етказилишини таъминлаш мақсадида махсус тадбирлар ишлаб чиқилди, семинар-тренинглар ташкил этилиб, уларда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорлик субъектлари вакилларининг иштироки таъминланяпти.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ**
**суҳбатлашди.**

